

**БАНКЛАРДА СТРЕСС-ТЕСТ ЎТКАЗИШ ОРҚАЛИ КРЕДИТ  
ПОРТФЕЛИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Рузимуратов О.Б.*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил  
тадқиқотчиси*

**Аннотация.** 2007 йилда бўлиб ўтган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози барча соҳалар каби банк тизимига ҳам ўз салбий таъсирин ўтказди. Инқироздан энг кўп жабр кўрган соҳа айнан банк тизими бўлди. Банклар тўсатдан юз бериши мумкин бўлган, кутмалмаган ҳолатларга доим тайёр туриши ва тегишили захиралар ажратилиши зарур эканлиги исботланди. Банкларнинг кутмалмаган ҳолатларга бардош бера оладиган тизимни яратишга эҳтиёж сезилди. Ана шундай банкларнинг барқарорлигини аниқлайдиган тизимлардан бири стресс-тест ўтказишидир.

**Калим сўзлар:** стресс-тест, кредит портфели, кредит риски, кредит таъминоти, муаммоли кредитлар, стресс-тест сценарийси, аҳоли омонатлари, банк ресурслари, банк депозитлари, хорижий валюта.

Стресс-тест - банк молиявий ҳолатига таъсир қилиши мумкин бўлган истисноли, бироқ учраши мумкин бўлган ҳодисаларни ўлчашнинг таҳлилий усуллар тўплами. Стресс-тест бу ташқи муҳитдаги (масалан, иқтисодиётдаги пасайишлар, фоиз ставкаларининг ва валюта курсларининг ўзгариши ва бошқалар) ва мижозлар ва контрагентлар фаолиятидаги (депозитларнинг оммавий чиқиб кетиши) салбий ўзгаришларнинг банкка келтириши мумкин бўлган заарларини баҳолашнинг таҳлилий инструментларидан бири ҳисобланади. Банк фаолиятини стресс-тестдан ўтказишидан асосий мақсад Банк учун нокулай бўлган шароитда (жумладан, инқироз ҳолатларида) Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўладиган ресурсларни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларда амалга ошириладиган чора-

тадбирлар ишлаб чиқишидир.

Банк фаолиятини стресс-тестдан ўтказишидаги асосий вазифалар қуидагилар этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ хисобланади:

- а) банк рискларини баҳолаш;
- б) молиявий ресурслар танқислигига молиявий бозордан қўшимча маблағлар жалб қилиш имкониятини аниқлаш;
- в) банкнинг қўшимча капиталга бўлган талабини баҳолаш;
- г) ликвидлилик рискини Банкнинг молиявий барқарорлиги ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига хавф тутдирмайдиган даражада ушлаб туриш бўйича чоралар қабул қилиш;
- д) стресс-тестларининг якуний натижаси бўйича рискларни бошқариш стратегиясини мувофиқлаштириб бориш;
- е) эҳтимолий йўқотишларни баҳолаш, зарур лимитларни белгилаш ва бошқалар.

Стресс-тестни ўтказиш ўзининг аниқ тамойилларига эга бўлиб, бошқа тизимлардан фарқли жиҳатлари, такрорланмайдиган хусусиятларини ифодалайди. Ушбу асосий тамойилларга қуидагиларни киритиш мумкин:

стресс-тест амалий натижа берадиган ҳамда банк корпоратив бошқаруви ва банк рискларини бошқариш тизимининг ажралмас қисми бўлиши лозим;

банк бошқарувининг стресс-тест жараёнида қатнашиши унинг муваффақиятли бўлишининг асосий шартидир;

стресс-тест янги рискларнинг аниқланишига ёрдам бериши лозим;

стресс-тест банк рискларини бошқаришнинг бошқа инструментларига қўшимча сифатида ўтказилиши лозим;

стресс-тест банкнинг турли бўлинмалари мутахассисларининг фикрини инобатга олиши лозим;

стресс-тест турли вақт ораликлари, сценарий ва усулларда амалга оширилиши лозим;

бозор ликвидлигининг қисқариши ва ликвидликни молиялаштиришга

бўлган чекловлар ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олиш лозим;

стресс-тестни ўтказишга бўлган ёндашув ва стресс-сценарийлар мунтазам равишида қайта кўриб чиқилиши лозим.

Банк фаолиятини стресс-тестдан ўтказиш қўйидаги босқичлардан иборат:

стресс-сценарийларни аниқлаш ва тасдиқлаш;  
стресс-тестни амалга ошириш ва ҳисбот тайёрлаш;  
стресс-тест натижаларини таҳлил қилиш;  
чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг келгусидаги ижросини назорат қилиш.

Одатда стресс-тест даври 1 йиллик даврни ўз ичига олади, лекин айрим ҳолатларда инқироз тури ва бозор тебранишига қараб 1 йилдан ортиқ ёки кам бўлган давр бўйича ҳам таҳлил ўтказиш мумкин. Европа банк бошқармаси томонидан бир йилда 2 марта, АҚШ Федерал тизими томонидан бир йилда бир марта, Англия банки ва Россия Марказий банки томонидан ҳам бир йилда бир марта амалга оширилади<sup>1</sup>.

Банк риски нуқтаи назаридан стресс-тестдан ўтказишни сценарийлар таҳлили орқали амалга оширилади. Стресс-сценарийлар ўз кўрсаткичлари ва фаолияти билан боғлиқ рискларни ҳисобга олган ҳолда банклар томонидан ҳар бир банк мустақил тарзда ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда стресс-тест ўтказиш мақсадида ташқи сценарийлар, жумладан Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган сценарийлардан фойдаланиш мумкин.

Стресс-сценарийларни тузишида банк фаолиятига (барқарорлигига) таъсир қилувчи қўйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

- a) талаб қилиб олингунча депозитлар ўртача (камаймайдиган) қолдигининг жадал чиқиб кетиши;
- б) мижозларнинг ҳисобрақамларида қолдиқнинг камайиши;

<sup>1</sup> Palmer D. E. Governance over Stress Testing // Stress Testing: Approaches, Methods and Applications / Siddique A., Hasan I. — London: Incisive Media, 2013. — P. 11. — ISBN 978-1-78272-008-9.

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

- в) аҳоли омонатлари ҳамда юридик шахслар депозитларининг муддатидан олдин қайтариб олиши;
- г) банклараро ресурслар бозорида ресурсларнинг қисқариши;
- д) банклараро депозит (кредит)ларни жалб қилиш имкониятининг камайиши;
- е) хорижий валюта курсларининг кескин ўзгариши;
- ж) кредитларнинг ўз вақтида қайтмаслиги;
- з) кредит линия бўйича ажратмаларнинг ортиши;
- и) Банк томонидан олинган кредитларнинг муддатидан олдин қайтариб олиниши;
- к) Банкнинг бир ёки бир неча йирик мижозларининг чиқиб кетиши;
- л) Банк томонидан йирик мижозларга ажратилган кредит (лизинг ва бошқа активлар) сифатининг ёмонлашиши ва улар бўйича эҳтимолий ўқотишларга қарши захиралар шакллантирилиши;
- м) Банк капитал етарлилигини ҳисоблаш тартибига киритиладиган ўзгаришлар ёки миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан кескин девальвацияси натижасида банк капитал етарлилигига нисбатан босимнинг ортиб кетиши;
- н) Фавқулотда ҳолатлар (эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашуви, табиий ва техноген тусдаги офатлар, халқаро ва миллий даражадаги можаролар, қўлланилган иқтисодий санкциялар ва ҳ. к.) сабабли мижозлар пул оқимини камайиши натижасида банкдаги ҳаракатсиз кредитлар (NPL) миқдорининг ортиши;
- о) Фавқулотда ҳолатлар (эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашуви, табиий ва техноген тусдаги офатлар, халқаро ва миллий даражадаги можаролар, қўлланилган иқтисодий санкциялар ва ҳ. к.) сабабли банк кредит портфели сифати ва ликвидилигининг пасайиши ва бошқалар.

Сценарий ўз ичига ўзгарувчан кўрсаткичлар ва уларнинг Банкнинг молиявий аҳволига таъсири, макроиктисодий ҳамда банклараро бозор ҳолати, сценарий оқибатлари ҳамда уларни бартараф қилиш бўйича амалга

ошириладиган чора-тадбирлар режасини ўз ичига олиши лозим. Стресс-сценарий бир ёки бир неча (ликвидлилик, кредит, операцион, обрў-эътибор ва ҳ.к.) рискларни ўз ичига олиши мумкин. Стресс-сценарийларни ишлаб чиқиша риск омилларининг тарихий ўзгариши билан биргаликда гипотезага асосланган (эҳтимолий) омилларнинг ўзгаришини ҳам ҳисобга олиш лозим. Стресс-сценарий молиявий бозорнинг юқори даражадаги тебраниши ёки бозордаги ликвидлилик шоки, Банк томонидан ажратилган йирик суммадаги кредитлар сифатининг ёмонлашиши қаби ҳолатларини ўз ичига олиши лозим.

Фикримизча, сценарийларни ишлаб чиқиша стресс ҳолатларда давлат ва назорат қилувчи органлар томонидан Банкка қўшимча ёрдам кўрсатилиш эҳтимолини ҳисобга олмаслик мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Одатда сценарийлар Банкнинг тегишли бўлинмалари билан келишилган бўлиши ҳамда Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланади. Банк фаолиятини стресс-тестдан ўтказиша фойдаланиладиган сценарийлар йилига камида бир марта қайта тасдиқланиши банк барқарорлигини оширишга хизмат қиласди. Чунки бунда барча соҳада бўлаётган ўзгаришлар (иқтисодий, ҳуқукий, молиявий, ҳалқаро ва бошқалар)ни ўз ичига қамраб олиш даражаси ортади ва сценарий мукаммал ишлаб чиқиласди.

Стресс-тестни ўтказиша бир қанча усулларидан фойдаланилади. Шуларнинг асосийларини кўриб чиқамиз:

- a) тарихий сценарийлик – Банк ўз амалиётида авваллари дуч келган риск омилларининг кескин ўзгаришига асосланган стресс-тест;
- б) гипотетик сценарийлик – Банк фаолиятида содир бўлмаган, лекин инқироз ҳолатида содир бўлиши мумкин бўлган риск омилларининг ўзгаришига асосланган стресс-тест (ўз навбатида сценарийнинг кескинлигига қараб пессимистик, критик, катастрофик стресс-тестларга бўлинади)
- в) бир омиллик – рискнинг фақатгина бир омили ўзгаришининг стресс-тести (хусусан, бир мижоз ёки бир соҳага тегишли мижозларнинг пул маблағларининг чиқиб кетиши)

- г) кўп омиллик – рискнинг бир неча омиллари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдаги стресс-тест;
- д) индивидуал – алоҳида бир турдаги риск бўйича стресс-тест ўтказиш;
- е) комплекс – икки ёки ундан ортиқ рискларни ҳисобга олган ҳолда стресс-тестдан ўтказиш (хусусан, ликвидлиликни стресс-тестдан ўтказишида кредит ва бозор рискларини инобатга олиш);
- ж) интеграл – Банк учун хос бўлган барча турдаги рисклар бўйича стресс-тест ўтказиш;
- з) тескари стресс-тест Банк банкротлиги содир бўладиган кризис сценарийни аниқлаш.

Бошқарма бозор ҳолати ва рискларни бошқариш стратегиясидан келиб чиқиб мавжуд стресс-тест усулидан фойдаланади. Стресс-тест ўтказишида таҳлил банкнинг баланс маълумотлари ва пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек актив ва пассивларнинг қайтиш муддатлари, банк кредитларининг мижозлар кесимида тўпланиш даражаси, банк капитали етарлилиги, банкнинг бир депозитор олдидаги мажбуриятлари суммаси ҳамда бошқа маълумотлар асосида олиб борилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Palmer D. E. Governance over Stress Testing // Stress Testing: Approaches, Methods and Applications / Siddique A., Hasan I. — London: Incisive Media, 2013. — P. 11. — [ISBN 978-1-78272-008-9](#).
2. Basel Committee on Banking Supervision. (2009). Principles for sound stress testing practices and supervision. Bank for International Settlements. <https://www.bis.org/publ/bcbs155.htm>
3. Board of Governors of the Federal Reserve System. (2020). Dodd-Frank Act stress test 2020: Supervisory stress test methodology. <https://www.federalreserve.gov/publications/files/2020-march-supervisory-stress-test-methodology.pdf>
4. Henry, J., & Kok, C. (Eds.). (2013). A macro stress testing framework for

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

---

assessing systemic risks in the banking sector. European Central Bank.  
<https://www.ecb.europa.eu/pub/pdf/scpops/ecbocp152.pdf>

5. Schmieder, C., Puhr, C., & Hasan, M. (2011). Next generation balance sheet stress testing. International Monetary Fund.

<https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2011/wp11183.pdf>

6. Foglia, A. (2009). Stress testing credit risk: A survey of authorities' approaches. International Journal of Central Banking, 5(3), 9–45.

<https://www.ijcb.org/journal/ijcb09q3a1.htm>